



АМИР ТЕМУР КЎРАГОН

# ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ



ТОШКЕНТ



**ТУРОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**

**САЛТИКОВ-ШЕДРИН НОМИДАГИ  
РОССИЯ ДАВЛАТ КУТУБХОНАСИ**

**АМИР ТЕМУР КЎРАГОН**

# **ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ**

**ТОШКЕНТ – 2014**

**УЎК: 94 (4/9) (075)**  
**КБК 81.2 (5)**  
**A-21**

**A-21**            **Амир Темур Кўрагон. Темур тузуклари –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 196 бет.**

**ISBN 978–9943–4270–9–9**

1856 йилда йирик шоир ва машхур таржимон Рожий томонидан форс тилидан ўзбек (эски ўзбек) тилига «Темур тузуклари» таржимаси қимматли манба бўлиб ҳисобланади ва унинг айнан ўзини табдил этиб ва ҳозирги ўзбек тилига таржима қилиб чоп этилиши манбашунослик ва тарихшунослик фанига ҳамда ҳақиқатни тиклашга маълум даражада ҳисса қўшади.

Китоб тарихчилар, ҳуқуқшунослар, филологлар, шунингдек, докторантлар, илмий ходимлар ва барча тарихга қизиқувчиларга мўлжалланган.

**УЎК: 94 (4/9) (075)**  
**КБК 81.2 (5)**

**Сўз боши, табдил, таржима, изох муаллифлари:** тарих фанлари доктори, Турон Фанлар академияси, Лейбниц номидаги Европа табиий фанлар академияси ва «Нури Худжанд» номли Марказий Осиё халқ академиясининг академиги **Ҳайдарбек Назирбекович БОБОБЕКОВ**, Турон Фанлар академияси академиги, филология фанлари доктори, профессор **Аҳмаджон ҚУРОНБЕКОВ** ва Турон Фанлар академияси фахрий академиги, хомий **Иброҳимжон СУЛАЙМОНОВ**лар.

**Масъул муҳаррир:** Турон Фанлар академияси академиги,  
юридик фанлари доктори **Ҳалимбой БОБОЕВ**

**Илмий муҳаррир:** Турон Фанлар академияси академиги, тарих  
фанлари доктори **Қаҳрамон РАЖАБОВ**

**Такризчилар:** Турон фанлар академияси академиклари  
**Сотимжон ХОЛБОЕВ** ва **Мавлуда БОБОБЕКОВА**

**ISBN 978–9943–4270–9–9**

© Турон Фанлар академияси, 2014;  
© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014;  
© **Ҳ.Бобобеков, А.Қуронбеков, И.Сулаймонов, 2014.**

**«Шахсан мен Соҳибқирон бобомиз бизга мерос қилиб қолдирган «Тузуқлар»ни ўқисам, худдики ўзимга қандайдир катта рухий куч-қувват топгандек бўламан».**

**И. А. КАРИМОВ**

## **СЎЗ БОШИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Темур тузуқлари»га юксак баҳо бериб шундай ёзди: «Улуғ аждодимиз, гарчи буюк бунёдкор ва жаҳонгир бўлса-да, куч-қудрат зўрлик ва зўравонликда эмас, аксинча, адолатда, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда эканини ниҳоятда чуқур англаган. Унинг давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул ва имконсиз вазиятда ҳам тўғри йўл, тадбир топа олиш қобилияти, ноёб ақл-заковати ҳар қандай одамни ҳайратга солади. Амир Темурдек буюк ва бетакрор сиймони ҳар томонлама тушуниш, у барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳорати, билим ва тажрибаларини англаб етишда «Темур тузуқлари» бебаҳо қўлланма бўлиб хизмат қилади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тилга олган Амир Темурнинг «Тузуқлар»и асари бир неча асрлардан бери дунё кезиб, олимларни, давлат арбобларини, ҳарбий саркардаларни стратегия ва

---

<sup>1</sup> Ислом Каримов. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси//Темур тузуқлари. Т., 2013. 8–9-бетлар.

тактикани ўрганишда ҳамда тарих ва юридик фанларига қизиқиб келаётган барча китобхонларни ҳайратда қолдириб келмоқда. Кўплаб давлат арбоблари бу асардан дастуриламал сифатида фойдаланиб келишган.

Шу билан бир қаторда, ҳозиргача бу асарга турлича қарашлар ҳам мавжуд бўлганлигини қайд этишимиз лозимдир. Амир Темурнинг асарига келсак, ўзбек олимларимиз орасида турлича фикрлар мавжуд. Масалан, раҳматли академик Бўри Аҳмедовнинг ёзганига қараганда, «Тузуки Темурий» асарини форс тилига Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатий Арабистондан қайтишда Аграда бобурий Шох Жаҳон (1628–1657)нинг хизматига кирган ва ўшанда унинг илтимоси билан «Тузуки Темурий»ни эски ўзбекчадан форс тилига таржима қилиб, мазкур подшоҳга тақдим этган эмиш. «Лекин Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатийнинг мазкур таржимаси ўша Яман ҳукмдори Жаъфар пошо кутубхонасида кўрган нусхага асосланганми, ё асарнинг Ҳиндистонда ҳам ўшандай туркийча нусхаси бўлганми, бунни билмаймиз»<sup>11</sup>, деб давом этади у.

«Темур тузуклари»ни Турбатий Ҳиндистонда Шох Жаҳоннинг топшириғига биноан таржима қилиши ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Чунки агар «Темур тузуклари»нинг нусхаси Ҳиндистонда бўлганда эди, Шох Жаҳон ўзининг тарихчиларига таржима қилишни топшириши мумкин бўлар эди. Бундан ташқари, Шох Жаҳон тарих билимдонларидан бири бўлмиш шайх ул-ислом Муҳаммад Афзал Бухорийга таржимани текшириб тузатишни топширганда Ҳиндустонда мавжуд бўл-

---

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. «Темур тузуклари» ҳақида икки оғиз сўз»//Темур тузуклари. Т., 1996, 4-бет.

ган «Темур тузуклари»га таққослаб тузатишни топширар эди. У эса бундай топшириқ бермаган. Шунинг учун ишонч билан айтиш мумкинки, Турбатий «Темур тузуклари»ни Ҳиндистонга келмасдан аввал форс тилига таржима қилган ва янгилик сифатида Шоҳ Жаҳонга бир нусхасини совға этган.

Мир Абу Толиб ал-Ҳусайний ат-Турбатийнинг ўзи «Қиссаи Темур» номли қўлёзма китоб бошида айтадики, «...икки шариф ҳарам соҳиби ва Яман ҳокими Жаъфар Бостонийнинг китобхонасида бир китобга кўзим туш-ди, уни [ўқиб] кўрсам бошдан-оёқ ҳаммаси Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг ўз сўзларидан [иборат] экан, етти ёшидан етмиш тўрт ёшигача бошдан кечирган воқеаларни ёзибди, яъни қандай қилиб ўзини султонлик мартабасига етказган ва не ҳосият бирла етти иқлим мамлакатларига фармонраво бўлган. Уни бошдан-оёқ ўқиб чиқсам подшоҳлик қонуни ва давлат тузуми, мулк олиш қоидалари, аскар ва раият интизоми, мулк ва мамлакатни бошқариш усули, уруш ва саф тузиш қоидаларини ўз ичига олган экан. Уни форс тилига таржима қилиб, китоб ҳолига келтирдим, токи подшоҳларга қўлланма бўлар. Ул Султони Соҳибқирон, яъни Амир Темур Кўрагон ўз гавҳарбаён тили билан шундай деб ёзгандики, «охирини саодатли фарзандлар ва яхши тилакли вазирларнинг оппоқ ёруғ дилларига маълум ва тушунарли бўлсинким, ўн икки ишни мен ўзимга шиор ва касб қилдим». Шу сабабдан тангри таоло менга улуғлик ато қилиб, самовий қудрат билан қўллаб-қувватлади ва султонлик мартабасига етказди».<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Салтиков-Шедрин номидаги Россия миллий кутубхонаси, қўлёзмалар бўлими, инвентарь № ТНС 107.

Ушбу парчадан яққол кўриниб турибдики, Мир Абу Толиб кутубхонанинг ўзида асарни форс тилига таржима қилиб нусха олган. Кейин ушбу форсий таржимадан нусхалар кўчирилиб бутун дунёга тарқалган.

«Тузуки Темурий» асарининг кейинги ўзбек тилига таржималари ҳақида эса 1996 йилда чоп этилган «Темур тузуклари» китобининг сўз бошисида шундай ёзилган: «Тузуки Темурий» тўлиқ равишда Хоразм (Хива)да Муҳаммад Юсуф ар-Рожий тарафидан 1273(1856/57) йили ва Паҳлавон Ниёз Девон томонидан 1858 йили эски ўзбекчага таржима қилинган... Асарнинг эски ўзбек тилига қилинган яна бир нусхаси бор, лекин у тўлиқ эмас. Унда тарих ҳазрат соҳибқироннинг 39 ёшигача бўлган давр воқеаларини ўз ичига олган, холос. Таржима Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821/22–1858/59)нинг топшириғи билан Хўжанд қозиси Набижон Махдум тарафидан амалга оширилган.

Кейинги йилларда «Тузуки Темурий»нинг ҳозирги ўзбек тилига қилинган тўла таржималари пайдо бўлди»<sup>1</sup>.

Бизнинг фикримизча, Муҳаммад Юсуф ар-Рожий таржимаси энг қисқартирилган вариантдир. Бу вариантга ўзбек тилига Соғуний томонидан таржима қилинган нусханинг мазмуни ва ҳажми ҳам тўғри келади.

---

<sup>1</sup> «Темур тузуклари» ҳақида икки оғиз сўз. Қаранг: Темур тузуклари. Т., 1996, 5-бет. Бу ерда Муҳаммад Алихоннинг хонлик даври хато ёзилган. 1821/22–1858/59 эмас, балки 1822–1841 йиллардир. Муҳаммад Алихон 1841 йил ноябрь ойида ўзининг укаси Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечади. 1842 йил баҳорида эса Бухоро амири Насрулло Қўқонни босиб олади ва Муҳаммад Алини, Султон Маҳмудхонни, Нодирабегим ва бошқаларни қатл этади.



Ўзбек тилига нисбатан тўлиқ таржима Паҳлавон Ниёз Девон томонидан амалга оширилган. 1996 йили чоп этилган «Амир Темурни ёд этиб» номли тўпламда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тарғиб этиш давр талабига айланган кезлари, навоийшунослар бирдан кўпайиб кетгандай, ҳозир Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро ҳақида у ер-бу ердан кўчириб ёзаётганлар уруғлаб (?!) кетди. Ҳақиқий асл асарлар туриб, тарихий манбалар ва илмийликдан йироқ халқ оғзаки ижоди намуналарига яқин Салоҳиддин Қорининг «Темурнома»-си, Набижон Маҳмуднинг «Амир Темурнинг таржимаи ҳоли»га ўхшаган нақлу ривоятларга асосланиб ёзилган асарлар ҳам нашр қилинмоқда»<sup>11</sup>.

Бу ерда муаллиф Набижон Маҳдум Хотиф Хўжандийнинг «Тузуки Темурий» (Бу қўлёзмада тузуклар қисми йўқ, фақат таржимаи холи, асосан, Амир Ҳусайн билан бўлган муносабатлари ёзилган. Қўлёзмада асарнинг номи ҳам ёзилмаган, шунинг учун биз шартли равишда уни «Зафарнома» деб чоп этганмиз) асарини эътиборга олиб, қўпол хатога йўл қўймоқда. Чунки бу асар «нақлу ривоятларга асосланиб ёзилган асар» эмас, балки «Темур тузуклари» асарининг биринчи қисмининг тўлиқ вариантыдан олинган бўлиб, унда «Малфузот» деб номланаётган таржима асарнинг номи эса «Қиссаи Темур» деб аталади. Асл форс тилидаги нусха ҳам «Малфузот» деб аталмаган, унинг тўлиқ номи эса форс тилида «Малфузоти Темури» («Мемуары Темура», «Высказывания Темура», «Темур сўзлари» ёки «Темур эсдаликлари») деб ёзилган. ТНС 33 рақамли форс тилидаги нис-

---

<sup>1</sup> Б. Аҳмедов. Амир Темурни ёд этиб. Т., 1996, 4-бет.



батан тўлиқ нусхасининг номи эса «Малфузоти Амир Темур» («Постановления Эмира Тимура») деб картотекада ёзилган, 1766 йилда кўчирилган. Қўлёзманинг биринчи варағида эса «Темурномаи соҳибқирон» деб ёзилган.

Амир Темур билан Амир Ҳусайнларнинг дўстлашиши, ораларига низо тушиши, уларнинг бир-бирлари билан бўлган жанглари тўлиқ ёритилган. Китоб Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида дўстлик битими тузилиши билан тугатилган. Бу қимматли таржима ҳақида биз «Тузуки Темурий» (Т., 1999) ва «Зафарнома» (Т., 2000) китобларида батафсил ёритганмиз ва таржиманинг асл нусхаси ксерокопиясини илова қилганмиз.

Шу кунга қадар айрим темуршунос олимларнинг фикрича, 1991 ва 1996 йилларда чоп этилган «Темур тузуклари» ва Санкт-Петербургда сақланаётган «Тузуки Темурий» ва «Малфузот» қўлёзмалари ҳам ўзбек тилидаги тўлиқ таржимаси ҳисобланар эмиш.

Бизнинг фикримизча эса, ҳақиқатдан ҳам Алихон Тўра Соғуний «Тузуки Темурий» (ТНС 103. «Темур тузуклари».) қўлёзманинг форсча вариантыни ўзбек тилига таржима қилган. Чунки чоп этилган «Темур тузуклари»ни ТНС 103 қўлёзма матни билан таққослаб кўрилганда, чоп этилган китоб матнининг кўп қисми мазмуни жумлама-жумла 103 рақамли қўлёзмага тўғри келмоқда, фақат чоп этилган нусхада Алихон Тўра Соғуний таржимасини Ҳ. Кароматов ва Б. Аҳмедовлар томонидан таҳрир қилиниб, ҳозирги ўзбек тилига таржима қилинганлиги ва айрим архаик сўзлар ҳозирги сўзлар билан алмаштирилганлиги ҳамда бошқа чоп этилган тошбосма китоблардан фойдаланиб, айрим матн ўзгарти-

рилгани ва кўшимча қилинганлиги яққол сезилиб турибди.

«Гулистон» журналида 1967 йили эълон қилинган «Темур тузуклари» (Алихон Тўра Соғуний таржимаси) 1991, 1996, 2011 йиллари чоп этилган «Темур тузуклари» матнидан анча фарқ қилади.

Масалан, Б. Аҳмедовнинг ёзишича, Алихон Тўра Соғуний бир қатор камчиликларга йўл қўйган. Шунинг учун «мана шу камчиликларини бартараф қилиш зарур деб топилди. Ана шу мақсадда «Тузуклар»нинг юқорида қайд этилган таржимаси асл нусха<sup>1</sup> ҳамда унинг ҳижрий 1285 (милодий 1868) ва ҳижрий 1307 (милодий 1889–1890) йилларда чоп этилган тошбосма нусхалари билан солиштирилди ва Алихон Тўра Соғунийнинг таржимаси жиддий равишда тuzатилди. Бу ўта оғир иш истеъдодли ёш шарқшунос олим Ҳабибулло Кароматов тарафидан бажарилди. Асарнинг мазкур нашри юқоридаги нусхалар асосида қайтадан таржима қилинди, десак ҳам хато қилмаган бўламиз<sup>2</sup>.

Б. Аҳмедов фикрига биз ҳам қўшиламиз.

Масалан, Алихон Тўра Соғуний «ўзбек» атамасини «манғул» деб таржима қилган, айрим ҳолларда эса «золимлар», «бу тоифа», «душманларим» каби сўзлар билан алмаштирган: «Мавороуннаҳр аҳллари меним бу ишимдан хабар топдилар эрса, тезданоқ **манғулларга** қарши кўтарилишимни истар эдилар, чунки уларнинг жабр-зулмлари халқни бутунлай бездирган эди. Катта-кичик Тўрон аҳллари мен билан бир иттифоқда

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти-нинг қўлёзмаси, инв. № 8201.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. Т., 1991, 11-бет.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/758> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/758> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/758>